

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.17/04.06.2021.Т.06.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАДЖИЕВ ШУҲРАТ ТУЛҚИНОВИЧ

**ТОҒ ЁН БАҒРИДАГИ КОНЛАРНИ ОЧИҚ-ЕР ОСТИ
УСУЛДА ҚАЗИБ ОЛИШДА КОНТУРОРТИ
ЗАҲИРАЛАРИНИ ОЧИШ ТИЗИМИНИ АСОСЛАШ**

04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
of technical sciences**

Таджиев Шухрат Тулкинович

Тоғ ён бағридаги конларни очик-ер ости усулда қазиб олишда контурорти
заҳираларини очиш тизимини асослаш.....3

Таджиев Шухрат Тулкинович

Обоснование системы вскрытия законтурных запасов нагорных
месторождений при открыто-подземном способе разработки.....21

Tadjiev Shukhrat Tulkinovich

Justification of the system of opening the beyond contour reserves of upland
deposits with an open-underground method of development.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.17/04.06.2021.Т.06.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАДЖИЕВ ШУҲРАТ ТУЛҚИНОВИЧ

**ТОҒ ЁН БАҒРИДАГИ КОНЛАРНИ ОЧИҚ-ЕР ОСТИ
УСУЛДА ҚАЗИБ ОЛИШДА КОНТУРОРТИ
ЗАҲИРАЛАРИНИ ОЧИШ ТИЗИМИНИ АСОСЛАШ**

04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Т3065 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Назаров Заир Содикович техника фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Алиқулов Шухрат Шарофович техника фанлари доктори, доцент Хасанов Обид Абдуллаевич техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Миллий тадқиқот технологик университети «МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети ҳузуридаги DSc.17/04.06.2021.Т.06.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 23 декабр соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй. Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети мажлислар зали. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com.

Диссертация билан Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (105 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66.

Диссертация автореферати 2022 йил 7 декабр куни тарқатилган.

(2022 йил 7 декабр №54 рақамли реестр баённомаси).




И.Т. Мислибаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор


Ш.Ш. Заиров
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор


Н.А. Абдуазизов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тоғ ён бағридаги фойдали қазилма конларини очик усулда қазиб олишда карьерларнинг контуридан ташқарида жойлашган заҳиралар мавжуд бўлиб, уларни ер ости усули билан қазиб олиш тежамкор ҳисобланади. Амалиётнинг таҳлили шуни кўрсатадики, очик-ер ости усулида қазиб олинаётган тоғ ён бағридаги конларнинг 60% дан ортиғи рангли металл рудаларини қазиб олувчи корхоналарга тўғри келади. Натижада, конларни рационал қазиб олиш, контурорти заҳираларни очиш усули ва схемасини тўғри танлашга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда дунёда тоғ ён бағридаги конларни очик-ер ости усулида қазиб олиш, очик ва ер ости кон ишларининг турли босқичларида вақт ва макон билан боғлиқ бўлган тоғ ён бағридаги конларни очиш ва заҳираларни тайёрлашнинг ягона тизимларини яратиш, олтин руда конларида чуқур карьерларининг борторти заҳираларини ер ости усулида қазиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва очик-ер ости усулида тоғ ён бағридаги конларнинг контурорти заҳирларини очиш тизими вариантларини ишлаб чиқиш ва очишнинг рационал вариантларини танлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, очик-ер ости усулида қазиб олинadиган тоғ ён бағридаги конларнинг контурорти заҳираларини очиш тизимининг оптимал схемаларини ишлаб чиқиш орқали заҳираларни қазиб олиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда тоғ ён бағридаги конларни қазиб олишда контурорти заҳираларни тўлиқ ва самарали қазиб олиш, контурорти заҳираларни очиш учун карьер майдонидан фойдаланиш, очик-ер ости усулида қазиб олинadиган тоғ ён бағридаги конларнинг заҳираларини тизимлаштириш, очик-ер ости усулида тоғ ён бағридаги конларнинг контурорти заҳирларини очиш тизими вариантларини ишлаб чиқиш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорида¹ «минерал хом-ашё базасидан самарали фойдаланиш ва такрор ишлаб чиқаришни кўтариш, кон-қазиб олувчи ва қайта ишловчи корхоналар қувватини ошириш мақсадида фаол инвестицияларни жалб этиш» каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, тоғ ён бағридаги конларни очик-ер ости усулида қазиб олишда контурорти заҳираларни очиш тизимларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори

мўлжалланган, ишлаб чиқаришни структуравий қайта тузиш, диверсификациялашни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида» ги Фармонлари ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия саноати корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат миқёсида фойдали қазилма конларини очиқ-ер ости усулида қазиб олиш асосларини ривожлантиришга кончилик илмининг таниқли олимлари Мельников Н.В., Ржевский В.В., Арсентьев А.И., Спиваковский А.О., Васильев М.В., Новожилов М.Г., Фиделев А.С., Потапов М.Г., Кузнецов И.А., Зотов А.П., Зурков П.Э., Шешко Е.Ф., Шорохов С.М., Трубецкой К.Н., Шевяков Л.Д., Агошков М.И., Бронников Д.М., Ворошок А.С., Малахов Г.М., Стариков Н.А., Каплунов Д.Р., Демидов Ю.В., Куликов В.В., Титов В.Д., Ильин С.А., Хакулов В.А., Ramani R.V., Avasthi J.M., Phelps R.W., Eppinger R.G., Blowes D.W., Puhakka Tulla, Rylnikova M., Wheeler P., Shuey S.A. лар салмоқли ҳисса қўшишган. Ўзбекистон Республикасида Рахимов В.Р., Акбаров Т.Г., Раимжанов Б.Р., Мислибаев И.Т., Заиров Ш.Ш., Меликулов А.Д., Махмудов Д.Р., Солиев Б.З. каби олимлар салмоқли ҳисса қўшишган. Улар фойдали қазилма конларини очиқ-ер ости усулида қазиб олиш масаласи доирасида муҳим ютуқларга эришганлар.

Тегишли адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда тоғ ён бағридаги конларнинг контурорти захираларини қазиб олиш учун конларни очиқ-ер ости усулида қазиб олишда карьер майдонидан самарали фойдаланиш етарлича ўрганилмаган, шу билан бирга тоғ ён бағридаги конларнинг захираларини тизимлаштириш ва таснифини ҳамда контурорти захираларини очиш тизими вариантларини ишлаб чиқиш устувор йўналишлардан бири эканлиги аниқланди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 210-7-сон «Олтин руда конларида чуқур карьерларининг борторти захираларини ер ости усулида қазиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади капитал ва эксплуатацион харажатларни камайтирадиган тоғ ён бағридаги конларни очиқ-ер ости усулда қазиб

олишда контурорти заҳираларини рационал очиш тизимини асослаш ва танлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

конларни очик-ер ости усулида қазиб олиш жараёнида контурорти заҳираларни қазиб олишнинг адабиёт манбълари ва жаҳон амалиётини таҳлил қилиш;

очик-ер ости усулида тоғ ён бағридаги конларни қазиб олишнинг жаҳон амалиётини ўрганиш;

очик-ер ости усулида қазиб олинадиган тоғ ён бағридаги конларнинг заҳираларини тизимлаштириш;

очик-ер ости усулида тоғ ён бағридаги конларнинг контурорти заҳирларини очиш тизими вариантларини ишлаб чиқиш ва очишнинг рационал вариантларини танлашга назарий ёндашиш;

тоғ ён бағридаги конларни ер ости усулида қазиб олишга ўтиш пайтида карьернинг рационал чегараларини аниқлаш методикаси ва математик моделини ишлаб чиқиш ҳамда Қорақутан кони шароитида апробация қилиш;

тоғ ён бағридаги Қорақутан конининг контурорти заҳираларини қазиб олиш учун очиш тизими бўйича тадқиқотда қабул қилинган ечимларни техник-иқтисодий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тоғ ён бағридаги Қорақутан кони олинган.

Тадқиқотнинг предметини тоғ ён бағридаги конларнинг контурорти заҳираларини очиш тизими ва георесурс потенциалидан самарали фойдаланишни ошириш усули ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида назарий умумлашмалар ва саноат шароитида экспериментал тадқиқотлардан, математик моделлаштириш ва муҳандислик ҳисоблаш, тоғ ён бағридаги конларни очишнинг самарали тизимини асослаш дастурини ишлаб чиқиш мақсадида замонавий технологияларни қўллаш билан компьютерли дастурлаш усуллари, математик статистика ва тадқиқотлар натижаларининг ўзаро боғланган таҳлиллари каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

карьер контурида ва контуридан ташқарида очик-ер ости усули билан қазиб олинадиган тоғ ён бағридаги руда конлар заҳиралари тизимлаштирилган;

очиш усули ва руда оқимини шакллантириш учун карьер майдонидан фойдаланишга асосланган, карьер чегара контуридан ташқаридаги заҳираларни очиш тизимлари вариантлари ишлаб чиқилган;

очик-ер ости усули билан қазиб олишда тоғ ён бағридаги руда конларнинг контурорти заҳираларини очишнинг технологик схемаларининг вариантлари ишлаб чиқилган;

графоаналитик усулдан фойдаланган ҳолда, тоғ ён бағридаги руда конларни ер ости усулида қазиб олишга ўтишда карьернинг рационал чегараларини аниқлашнинг математик модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тоғ ён бағридаги олтин конларини ер ости усулида қазиб олишга ўтиш пайтидаги карьернинг рационал чегараларини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган;

карьернинг турли қазилма чуқурликларидаги кон массаси ҳажми, карьер контурида қазиб олинган руда ҳажми, карьер контуридаги эксплуатацион металл, қопловчи тоғ жинси ҳажми, қопловчи тоғ жинси ва кон массаси коэффицентлари ўзгаришининг боғлиқликлари аниқланган;

очиш вариантларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш имконини берувчи методика ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги дастлабки маълумотларнинг тақдим этилиганлиги ва ишончилиги, тоғ ён бағридаги конларни ер ости усулида қазиб олишга ўтишда тадқиқот натижаларини лойиҳалаш ташкилотлари ва кончилик корхоналари маълумотлари билан солиштириш орқали карьер чегараларини аниқлаш методикасининг апробациясидан фойдаланиш орқали олинган ижобий натижалар билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти захираларни очиш учун карьер майдонидан фойдаланишга асосланган захиралар тизимлаштирилганлиги ва карьер чегара контуридан ташқаридаги захираларни очиш тизимлари вариантлари, очишнинг рационал вариантларини назарий асослаш ва тоғ ён бағридаги фойдали қазилма конларни ер ости усулида қазиб олишга ўтиш пайтида карьер чегараларини аниқлашнинг математик моделини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тоғ ён бағридаги руда конларни ер ости усулида қазиб олишга ўтиш пайтида карьернинг рационал чегараларини аниқлаш методикаси ва очиш вариантларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш имконини берувчи методика ишлаб чиқилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тоғ ён бағридаги руда конларни очиқ-ер ости усулида қазиб олишда контурорти захираларини очиш тизимини асослаш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

конни ер ости усулида қазиб олишга ўтишда карьернинг рационал чегараларни аниқлаш методикаси «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ Қорақутан конида амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2022 йил 12 сентябрдаги 23.01-01-04/585-сон маълумотномаси). Натижада, очиқ кон ишлари оптимал чегарасини аниқлаш имконини берган;

контурорти захираларни очишнинг илмий жиҳатдан баҳоланган ва иқтисодий самарадорлик билан асосланган оптимал варианты «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ Қорақутан конида амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2022 йил 12 сентябрдаги 23.01-01-04/585-сон маълумотномаси). Натижада, асосланган иқтисодий

самарадорлик ва георесурс потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Мазкур тадқиқотларнинг натижалари 1 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларида апробация қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та, жумладан Республика нашрларида 4 та ва хорижий журналларда 5 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши бўйича тавсиялар, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Конни очик-ер ости усулида қазиб олишда контурорти заҳираларни қазиб олишнинг адабиёт манбълари ва жаҳон амалиёти таҳлили**» деб номланган биринчи бобида конни очик-ер ости усулида қазиб олишда карьер майдонидан асосий очувчи лаҳим сифатида фойдаланиш ва контурорти заҳираларни қазиб олиш масалаларининг ўрганилганлик даражаси ва жаҳон амалиёти таҳлили келтирилган. Шунингдек, контурорти заҳираларини карьер майдонидан фойдаланмасдан қазиб олиш усуллари шуни кўрсатдики, очиш, очик-ер ости усулида конни саноат миқёсида қазиб олишининг энг муҳим босқичидир.

Ҳозирги кунга қадар тоғ ён бағридаги конларни очик-ер ости усулида қазиб олиш соҳасидаги билимлар тўлиқ бўлмаган ва тизимлаштирилмаган илмий тадқиқотлар бўлиб қолмоқда ва янги илмий ёндашувларни талаб қилмоқда.

Очик ва ер ости кон ишларининг турли босқичларида вақт ва макон билан боғлиқ бўлган тоғ ён бағридаги конларни очиш ва заҳираларни тайёрлашнинг ягона тизимларини яратиш очик-ер ости усулида қазиб олишни лойиҳалашнинг асоси бўлиши лозим. Бунда, карьер майдонини, ер ости усулида қазиб олиниши лозим бўлган контурорти заҳиралари учун очувчи лаҳим сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.


Тадқиқотнинг «Тоғ ён бағридаги конларнинг захираларини тизимлаштириш, очиш тизими вариантларини ишлаб чиқиш ва контурорти захираларни очишнинг рационал вариантини танлашга назарий ёндашиш» деб номланган иккинчи бобида очиқ-ер ости усулида қазиб олинadиган тоғ ён бағридаги руда конлар захиралари тизимлаштирилган, очиш тизими вариантлари ишлаб чиқилган ва захираларни рационал очиш вариантини танлашга назарий ёндашиш асосланган.

Очиқ-ер ости усулида қазиб олинadиган тоғ ён бағридаги руда конлар захиралари уларнинг карьер чегара контурига нисбатан контур ичида ва контур ташқарисида жойлашиши бўйича тизимлаштириш схемаси 1-расмда келтирилган.



1-расм. Тоғ ён бағридаги руда конларни очиқ-ер ости усулида қазиб олишда захираларни тизимлаштириш схемаси

Ер ости усулида қазиб олиш технологиясига таъсир даражасига боғлиқ ҳолда, карьер ости захиралари биринчи белги бўйича контурорти (ўтиш зоналаридаги) ва иккинчи белги бўйича контурорти – карьер туби остидаги захираларига бўлинади, борторти захиралари эса, биринчи белги бўйича борторти (ўтиш зонасида) ва борторти (карьернинг таъсир зонасидан ташқарида) захираларига бўлинади (2-расм).




1 – очиқ усулда қазиб олинadиган захиралар; 2 – ер ости усулида (карьер майдони ичкарисидан ва ташқарисидан очиш билан) қазиб олинadиган захиралар; 3 – контурорти захиралар ((3а – карьер ости, 3б – борторти); 4 – ўтиш зонаси (карьер ости (ўтиш зонаси), борторти (ўтиш зонаси) захиралари

2-расм. Тоғ ён бағридаги руда конлар захираларининг карьер контурига нисбатан жойлашиш схемаси

Ўз навбатида, ушбу синфлар қазиб олиш усуллари бўйича гуруҳларга бўлинади. Биринчи гуруҳ – очик усулда қазиб олинувчи захиралар, иккинчи гуруҳ эса, карьер майдонидан ташқарида ва карьер майдонида очиш орқали ер ости усулида қазиб олинувчи захиралар.

Тоғ ён бағридаги конларнинг захираларини очик-ер ости усулида қазиб олиш вариантлари ишлаб чиқилган бўлиб, у тоғ ён бағри туркумига кирмайдиган конларни очик-ер ости усулида қазиб олишнинг маълум бўлган вариантларидан тубдан фарқ қилади.

Ўтказилган таҳлиллар ва очиш бўйича қўлланиладиган лойиҳавий ечимлар асосида, тадқиқот ишида тоғ ён бағридаги кон захираларини очик-ер ости усулида қазиб олишда очиш тизимининг қуйидаги вариантлари таклиф этилади (3-расм). Таснифлаш белгисининг асоси сифатида очиш ва руда оқимларини шакллантириш усули, карьер майдонидан фойдаланиш даража қабул қилинган.



3-расм. Тоғ ён бағридаги руда конларнинг контур ташқарисидagi захираларини қазиб олишда таклиф этилган очиш тизими вариантлари

Ер ости усулида қазиб олишга ўтишда тоғ ён бағридаги руда конларни очиш тизимлари вариантлари етарлича умумий характерга эга. Қайсики, қазиб олишнинг барча босқичларида қўшимча белгиларни киритилиши, вариантларни деталлаштиришни мураккаб, ўқилиши қийин бўлган схемага олиб келиши мумкин эди.

Таснифлашнинг асосий белгиси сифатида, очиш ва тайёрлаш мақсадида карьер майдонидан фойдаланиш даражасини, иккинчи даражали сифатида эса – асосий ва ёрдамчи очувчи лаҳимларнинг турларини қабул қилиш таклиф этилмоқда. Ушбу вариантларга кўра, барча очиш усуллари бешта синфга, синфлар эса – қўшимча белгилари бўйича бешта гуруҳга бўлинади (1-жадвал).

Биринчи синф вариантлари, рудаларни карьер майдони орқали чиқаришни таъминлайдиган контурорти захираларини очиш усулларини ўз ичига олади. Очувчи лаҳим сифатида карьерни очувчи лаҳимлари ва ер ости кон лаҳимлари – штольня, қия съездлар (стволлар), руда туширгич қўлланилади.

Иккинчи синф – руда массасининг бир қисмини чиқариб бериш учун карьер руда чиқарувчи лаҳимларидан фойдаланишни назарда тутувчи очиш усулларини ўз ичига олади. Шунга боғлиқ ҳолда, конда қўшимча равишда, руда массасини параллел равишда ер ости кон лаҳимлари ва карьер съездлари орқали чиқариб бериш имкониятини таъминловчи очиш тизими лойиҳаланади. Георесурсларни қазиб олиш даврига боғлиқ ҳолда, руда узатувчи йўлларнинг ҳар бирининг иштирок ҳиссаси турлича бўлиши мумкин. Ушбу синфнинг очиш вариантларининг ўзига хослиги – бу, икки автоном ёки тизимли равишда боғланган очиш тизимининг мавжудлигидир.

1-жадвал

Тоғ ён бағридаги конларни очик-ер ости усулида қазиб олишда карьернинг чегара контуридан ташқаридаги захираларни очиш усуллари

Синф	Карьер майдонидан фойдаланиш белгиси	Захиралар номи	Очувчи лаҳимлар тури	Очиш вариантларининг хусусиятлари	Қўлланиш шартлари
1	Карьер майдонидан асосий очувчи лаҳим сифатида фойдаланиш	Борторт (карьер таъсир зонасидан ташқарида)	1.1. Карьер съезди + штольня 1.2. Карьер съезди + тик ва қия стволлар, съездлар 1.3. Карьер съезди + ер ости лаҳимлар комбинацияси	1. Асосий ва ёрдамчи ер ости очувчи лаҳимлар карьердан ўтлади. 2. Барча рудалар узатилиши карьер орқали амалга оширилади	Карьернинг бортлари турғун ҳолатда сақланиб қазиб олинаётган тоғ ён бағридаги конлар
2	Карьер майдонидан асосий очувчи лаҳим сифатида фойдаланиш	Карьерости (карьер таъсир зонасидан ташқарида)	2.1. Карьер съезди + штольня 2.2. Карьер съезди + тик и қия стволлар, съездлар 2.3. Карьер съезди + ер ости лаҳимлар комбинацияси	1. Асосий ва ёрдамчи ер ости очувчи лаҳимлар карьердан ўтлади. 2. Барча рудалар узатилиши карьер орқали амалга оширилади	Карьернинг бортлари турғун ҳолатда сақланиб қазиб олинаётган тоғ ён бағридаги конлар
3	Карьер майдонидан асосий очувчи лаҳим сифатида фойдаланиш	Борторт ва карьерости (карьер таъсир зонасидан ташқарида)	3.1. Карьер съезди + штольня 3.2. Карьер съезди + тик и қия стволлар, съездлар 3.3. Карьер съезди + ер ости лаҳимлар комбинацияси	1. Асосий ва ёрдамчи ер ости очувчи лаҳимлар карьердан ўтлади. 2. Барча рудалар узатилиши карьер орқали амалга оширилади	Карьернинг бортлари турғун ҳолатда сақланиб қазиб олинаётган тоғ ён бағридаги конлар
4	Карьер майдонидан асосий очувчи лаҳим сифатида фойдаланмасдан	Карьерости, борторт (карьер таъсир зонасидан ташқарида)	4.1. Қия ва тик стволлар 4.2. Штольня 4.3. Ер ости лаҳимлари комбинацияси	1. Барча очувчи лаҳимлар карьер ташқарисидан ер юзасидан ўтлади 2. Руда узатиш ер ости лаҳимлар орқали амалга оширилади	Карьернинг бортларини турғун ҳолатда сақламасдан қазиб олинаётган тик тушувчи ва қия тоғ ён бағридаги конлар
5	Комбинациялашган очиш тизими	Карьерости, борторт (карьер таъсир зонасидан ташқарида)	5.1. Қия ва тик стволлар 5.2. Штольня 5.3. Ер ости лаҳимлари комбинацияси	1. Борторти захираларни очувчи асосий ва ёрдамчи лаҳимлар карьердан ўтлади 2. Карьерости захираларни очувчи лаҳимлар карьер чегарасидан ташқарида ўтлади 3. Рудаларни узатиш алоҳида амалга оширилади	Карьернинг бортлари турғун ҳолатда сақланиб қазиб олинаётган тоғ ён бағридаги конлар

Очиш усулининг учинчи синфи, конга анъанавий схема бўйича етиб боришни таъминлашни назарда тутуди, яъни, ер ости очувчи кон лаҳимлари: стволлар, штольня, квершлаглар ва капитал руда туширгичлар ёрдамида. Бунда, карьер майдонидан фойдаланилмайди, балки, у силжиш зонаси ўлчамлари ўсишининг ноқулай омили сифатида қаралади.

Очиш усулларининг тўртинчи синфи, конга анъанавий схема бўйича етиб боришни таъминлашни ўз ичига олади, яъни, ер ости очувчи лаҳимлари: стволлар, штольня, квершлаглар ва капитал руда туширгичларни ўтиш йўли орқали. Бунда карьер майдонидан фойдаланилмайди, балки, у силжиш зонаси ўлчамлари ўсишининг ноқулай омили, лаҳимларни аэро ва гидроизоляциялаш бўйича ишларни олиб бориш зарурияти, майдоннинг бандлиги ва бошқалар сифатида қаралади.

Бешинчи синф, борт атрофи руда массасини чиқариб бериш учун карьер руда узатувчи лаҳимларидан фойдаланишни назарда тутувчи очиш усулини ўз ичига олади. Шунга боғлиқ ҳолда, ер ости лаҳимлари орқали руда

массасини параллел равишда чиқариб бериш имкониятини таъминлайдиган, карьер ости захираларини очиш тизими кўшимча равишда лойиҳаланади. Георесурсларни ўзташтириш даврига боғлиқ ҳолда, руда чиқариб берувчи йўлларни ҳар бирининг иштирок этиш ҳиссаси турлича бўлиши мумкин. Ушбу синфнинг очиш вариантларининг ўзига хослиги – икки автоном очиш схемасининг мавжудлигидир.

Асосий руда узатувчи лаҳимларнинг турлари ва уларнинг комбинацияси бўйича, синфлар гуруҳларга бўлинади. Гуруҳлар ичида, ер ости ёрдамчи кўтариш воситалари, қайта юклаш пунктлари ва бошқаларнинг турлари бўйича вариантларни ажратиш мумкин.

Тоғ ён бағридаги, очиқ-ер ости усулида қазиб олинувчи конларнинг кон-геологик ва кон-техник шароитларининг хилма-хиллиги ва ўзига хослигига қарамасдан, тадқиқот ишида, юқорида келтирилган вариантларга мувофиқ очишнинг мумкин бўлган технологик схемаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг мисолида уларни рационал қўллаш соҳаларини белгилаш имконияти тақдим этилди.

Тоғ ён бағридаги конларни очиш тизимлари карьер контуридан ташқарида коннинг ажратилган қисмининг саноат захиралари ва ушбу захиралар асосида мумкин бўлган ишлаб чиқариш унумдорлиги билан характерланади. Карьер контуридан ташқаридаги захиралар карьер ости захираларидан (1) ва карьернинг тоғ ён бағридаги қисмининг борторти захираларидан (2) ташкил топган:

$$Q_{\text{пк}} = \sum_{i=1}^n H_i^{\text{пк}} \cdot S_i^{\text{пк}} \cdot \gamma_p, \quad (1)$$

$$Q_{\text{зб}} = \sum_{i=1}^n H_i^{\text{зб}} \cdot S_i^{\text{зб}} \cdot \gamma_p, \quad (2)$$

ёки умумий кўринишда

$$Q_{\text{з.з}} = \sum_{i=1}^n ((H_i^{\text{пк}} \cdot S_i^{\text{пк}} \cdot \gamma_p) + (H_i^{\text{зб}} \cdot S_i^{\text{зб}} \cdot \gamma_p)), \quad (3)$$

бу ерда, i – карьер контуридан ташқаридаги захиралар қисмлари сони; H ва S – мос равишда, захираларнинг ҳар бир қисмининг баландлиги ва юзаси, м ва м^2 ; γ_p – рудаларнинг ҳажмий оғирлиги, $\text{т}/\text{м}^3$.

Карьер контури ташқарисидаги захираларнинг қисмларини ажратиш, тоғ ён бағридаги коннинг ўзига хослиги билан асосланади ва очиш тизимини танлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Очиш тизими конструкцияси юқорида кўрсатилганидек, карьер майдонидан фойдланишга боғлиқ ҳолда синфларга бўлинган. Синфлар эса, асосий ва ёрдамчи (кўшимча) очувчи лаҳимлар турлари бўйича вариантларга бўлинган.

Захираларнинг карьер элементларига нисбатан жойлашувига ва рудаларни узатиш учун карьер майдонидан фойдаланилишига боғлиқ ҳолда, тоғ ён бағридаги конларнинг контурорти захираларини очишнинг ўн учта технологик схемалари 5 вариантлар жамланмасида кўриб чиқилган.

Диссертациянинг «Тоғ ён бағридаги конларни ер ости усулида қазиб олишга ўтишда, карьер чегараларини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш ва уни Қорақутан кони шароитида жорий қилиш» деб номланган учинчи бобида, технологик ва иқтисодий нуқтаи назардан тоғ ён бағридаги

кон заҳираларини қазиб олишда таъсир этувчи комплекс кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда, очиқ усулдан ер ости усулида қазиб олишга ўтиш чегарасини белгилаш методикаси ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга ишлаб чиқилган методика меҳнат ва вақт сарфини камайтиришга, шунингдек, кўриб чиқиладиган карьернинг турли хил қазиб чуқурликларида, AutoCAD компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда графоаналитик усулда конни ер ости усулида қазиб олишга ўтишда карьернинг рационал чегараларини аниқлаш учун техник ҳисоб-китобларни тезкорлик билан бажаришга имкон беради.

Тоғ ён бағридаги конларни ер остида қазиб олишга ўтиш пайтида карьер чегараларини аниқлаш учун таклиф қилинган математик моделдан фойдаланиб, қуйидаги кўрсаткичларни аниқлаш билан очиқ кон ишлари чуқурлиги асосланади: $V_{г.м}$ – кон массаси ҳажми, $м^3$, $D_{р.м}$ – карьер контурида қазиб олинган руда массаси миқдори, т, $M_э$ – карьер контуридаги эксплуатацион металллар, кг, $V_{вск}$ – қопловчи тоғ жинси ҳажми, $м^3$, $K_{вск}$ – қопловчи тоғ жинси коэффициенти, $K_{г.м}$ – кон массаси коэффициенти, карьернинг турли хил H чуқурликларида.

Ишлаб чиқилган методикани жорий этиш учун, Зиёвуддин руда майдонининг маълум геологик, топографик, шунингдек, руда ва металллар заҳиралари бўйича аниқ маълумотларга эга Қорақутан карьери тадқиқот объекти сифатида кўриб чиқилди.

Заҳиралар, конинг кон-геологик жойлашиш шароити ва руда танаси жойлашуви бўйича мавжуд маълумотларини ҳисобга олган ҳолда, AutoCAD компьютер дастуридан фойдаланиб графоаналитик усулида уни қазиб олишнинг турли хил H чуқурликларида карьернинг дастлабки якуний контурлари аниқланди.

Кон заҳираларини қазиб олишнинг ҳисоблаб олинган кўрсаткичлари қуйида 2-жадвалга киритилган.

2-жадвал


Зиёвуддин руда майдони Қорақутан карьерининг №51 ва №7 руда таналарини қазиб олишда, карьернинг 50 дан 250 м. гача бўлган чуқурликларида ҳисобланган кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Белгиланиши	Ўлчов бирлиги	Карьер чуқурлиги H , м				
			50	100	150	200	250
Кон массаси ҳажми	$V_{г.м}$	минг. $м^3$	617	5 796	10 018	22 056	41 431
Балансдаги заҳиралар	P	минг. т	105	595	699	1 154	1 749
Балансдаги металл	$M_б$	кг	610	3 458	4 061	6 710	10 165
Таркиб	C	г/т	5.81	5.81	5.81	5.81	5.81
Ўқотилиш коэффициенти	$K_п$	%	6	6	6	6	6
Сифатсизланиш коэффициенти	$K_р$	%	30	30	30	30	30
Карьер контурида қазиб олинган руда массаси миқдори	$D_{р.м}$	минг. т	141	799	938	1 550	2 348
Эксплуатацион металл	$M_э$	кг	575	3 257	3 825	6 320	9 574
Эксплуатацион рудадаги металл таркиби	$C_э$	г/т	4.08	4.08	4.08	4.08	4.08
Қопловчи тоғ жинси ҳажми	$V_{вск}$	минг. $м^3$	564	5 495	9 664	21 471	40 544
Қопловчи тоғ жинси коэффициенти	$K_{вск}$	$м^3/т$	4.0	6.9	10.3	13.9	17.3
Кон массаси коэффициенти	$K_{г.м}$	т/г	1.1	1.8	2.6	3.5	4.3

Визуал тасвирлаш учун олинган барча ҳисобланган маълумотлар график боғлиқлик кўренишида 4-расмда акс эттирилган.

Умумлашган боғлиқлик графиги таҳлили шуни кўрсатадики, карьер чуқурлигининг ошиб бориши билан, кон массаси ҳажмига нисбатан руда ҳажмига нисбатан бир неча ўн баробарга ошади, шунингдек, қопловчи тоғ жинси ҳажми, қопловчи тоғ жинси коэффициенти, эксплуатацион металл, қазиб олинган руда ҳажми ва кон массаси коэффицентлари ҳам ошиб боради.

Тоғ ён бағридаги конларни очик усулда қазиб олишнинг оптимал чуқурлигини аниқлагандан сўнг, кон заҳирасининг қолган қисми ер ости усулида қазиб олиш учун заҳира сифатида қараб чиқилади.



Очик усулда қазиб олишдан ер ости усулига ўтиш чегараси, фойдали қазилманинг жаҳондаги нарҳига қараб конни қазиб олишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

4-расм. Карьернинг турли қазиб олиш (H) чуқурликларида кон массаси ҳажми, карьер контурида қазиб олинган руда ва эксплуатацион металл миқдори, қопловчи тоғ жинси ҳажми, қопловчи тоғ жинси ва кон массаси коэффицентлари ўзгаришининг умумлашган боғлиқлик графиги

Диссертациянинг «Тоғ ён бағридаги Қорақутан конининг контурорти заҳираларини қазиб олиш учун очиш схемаси бўйича қабул қилинган ечимларни техник-иқтисодий баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобда, тоғ ён бағридаги конларни очик-ер ости усулида қазиб олишда контурорти заҳираларини очишнинг рационал вариантини танлаш ва илмий жиҳатдан баҳолаш амалга оширилган. Технологик, иқтисодий ва хом-ашё стратегияларини ўз ичига олган, тоғ ён бағридаги Қорақутан конини қазиб олиш стратегиясини ишлаб чиқишнинг методологик асослари асослаб берилган. Улар коннинг потенциал хом ашёсидан фойдаланишни максималлаштириш схемаси бўйича очик кончилик ишларидан ўтиш шартларини белгилайди. Бундай мослашиш имконияти бугунги кунда қазиб олишга жалб этилмаган олтин таркибли рудаларнинг катта заҳиралари мавжудлигига асосланади.

Давлат, ҳудуд ва корхона манфаатларидан келиб чиқган ҳолда, Қорақутан олтин конини қазиб олиш стратегияси таклиф этилиб, унда, қуйидагилар натижасида хом ашёни қазиб олишни максимал даражада ошириш кўзда тутилган:

карьер борти ортидаги захираларни қазиб олиш учун очиқ-ер ости усулини тадбиқ қилиш;

карьер тубидан пастдаги захираларни ер ости усулида қазиб олиш;
потенциал ресурслардан фойдаланиш (ишлаб чиқариш чиқиндилари, ер қаъридаги паст навли хом ашё ва б.)

Контурортидаги участкаларни қазиб олиш, очиқ ва ер ости усулида қазиб олишнинг юк оқимларини ягона юк оқимига бирлаштирган ҳолда, карьернинг қазиб олинган майдонидан руда зоналарини горизонтал, вертикал ёки қия кон лаҳимлари билан очиш учун фойдаланишни назарда тутади.

Карьерни очиқ усулда қазиб олишнинг тугалланиш босқичида ер ости усулида қазиб олишга ўтилади.

Карьер контури ортида коннинг катта захираларининг мавжудлиги туфайли, очиқ-ер ости усулида қазиб олиш тавсия этилади.

Шу тариқа, борторти захираларини қазиб олишнинг технологик схемасини шакллантириш асосида очиқ ва ер ости кон ишлари элементларининг қуйидаги қулай комбинацияси келтирилган: очувчи транспорт кон лаҳимларини биргаликда қўллаш, шунингдек, очиқ ва ер ости кон ишларининг ягона юк оқимлари билан асосий очувчи лаҳим сифатида карьер майдонидан фойдаланиш.

Умуман олганда, Қорақутан конини қазиб олишнинг таклиф этилган стратегияси георесурс потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини 85-90% гача оширишни назарда тутади.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида, Қорақутан карьерининг кон комплексини ривожлантириш учун, коннинг георесурс салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган технологик, техник, иқтисодий ва ресурстежамкор ўзгаришларни ўзида мужассам этган, очишнинг иккита схемаси таклиф қилинган.


1-вариант. Комбинациялашган очиш тизимини қўллаган ҳолда, Қорақутан конининг контурорти (борторти ва карьер ости) захираларини очиш схемаси, яъни, борторти захираларини карьер майдонидан ўтилган штольнялар ёрдамида очиш, борторти ва карьер ости захираларининг бир қисмини карьер контуридан ташқарида ўтилган қия транспорт съезди ёрдамида очиш (5-расм).

2-вариант. Комбинциялашган очиш тизимини қўллаган ҳолда Қорақутан конининг контурорти (борторти ва карьер ости) захираларини очиш схемаси, яъни, борторти захираларининг бир қисмини карьер майдонидан ўтилган штольнялар ёрдамида, бир қисмини вертикал стволлар ёрдамида очиш, карьер ости захираларини эса, карьер контуридан ташқарида ўтилган учта очувчи вертикал стволлар ёрдамида очиш (6-расм).

Кўриб чиқиладиган вариантлардан оптимал очиш схемаларини аниқлаш учун, маълум методика бўйича Microsoft Excel компьютер дастурини қўллаган ҳолда энг самарали очиш схемасини аниқлаш учун ҳисоблаш ишлари амалга оширилди. Кон-капитал ишлар ҳажми бўйича олинган натижалар 3 ва 4-жадвалларда келтирилган.


Таклиф этилган иқтисодий-математик модел асосида Microsoft Excel компьютер дастурида ҳисоблаш ишлари олиб борилди ва тоғ ён бағридаги Қорақутан карьерининг контур орти заҳираларини қазиб олишда, қия транспорт съезди ва вертикал стволлар билан очишларни солиштириш бўйича иқтисодий баҳолаш 5-жадвалда келтирилган.

Очиш тизимининг вертикал схемаси
Масштаб 1:2000



5-расм. Карьер майдонидан ўтилган штольнялар ва карьер майдонидан ташқарида ўтилган қия транспорт съезди ёрдамида очиш тизимларини қўллаган ҳолда Қорақутан конининг контурорти заҳираларини очиш схемаси

Очиш тизимининг вертикал схемаси
Масштаб 1:2000



6-расм. Карьер майдонидан ўтилган штольнялар ва карьер майдонидан ташқарида ўтилган вертикал стволлар ёрдамида очиш схемасини қўллаган ҳолда Қорақутан конининг контурорти заҳираларини очиш схемаси

Биринчи вариант учун ҳисоблаш кўрсаткичлари

№	Лаҳимларнинг номи	Ҳажм. м ³
Лойиҳавий қувватга эришгунча		
1.	+540 м горизонт	947,00
2.	+530 м горизонт	6 382,00
3.	Қия транспорт съезди ер юзасидан 480м горизонтгача.	7 422,84
4.	480 м горизонт	33 540,61
5.	Марказий шамоллатиш восстаюшийси 480м горизонтдан ер юзасигача	652,80
6.	Ён томондаги шамоллатиш ва лифт восстаюшийси 480м горизонтдан ер юзасигача	3 471,00
7.	Камерали лаҳимлар ва шу кабилар. -5%	2 254,36
8.	Лойиҳавий қувватга эришгунча, жами:	54 670,61
Лойиҳавий қувватга эришгандан кейин		
1.	Қия транспорт съезди 480м гор. дан 420м гор. гача	7 402,33
2.	420 м горизонт	31 324,73
3.	Марказий шамоллатиш восстаюшийси 420 м гор. дан 480м гор. гача	489,60
4.	Ён томондаги шамоллатиш ва лифт восстаюшийси 420м гор. дан 480м гор. гача	2 002,50
5.	Қия транспорт съезди с гор. 420 гор. дан 360м гор. гача	7 402,33
6.	360 м горизонт	25 561,24
7.	Марказий шамоллатиш восстаюшийси 360м гор. дан 420м гор. гача	489,60
8.	Ён томондаги шамоллатиш ва лифт восстаюшийси 420м гор. дан 360м гор. гача	1 562,40
9.	Қия транспорт съезди 300м гор. дан 320м гор. гача	2 556,15
10.	Қия транспорт съезди 360 гор. дан 300м гор. гача	7 402,33
11.	300 м горизонт	17 261,89
12.	Марказий шамоллатиш восстаюшийси 300м гор. дан 360м гор. гача	489,60
13.	Ён томондаги шамоллатиш ва лифт восстаюшийси 300м гор. дан 360м гор. гача	1 562,40
14.	320 м горизонт №7 руда танаси	7 760,23
15.	Қия транспорт съезди 300м гор. дан 240м гор. гача	7 402,33
16.	240 м горизонт	19 665,03
17.	Марказий шамоллатиш восстаюшийси 240м гор. дан 300м гор. гача	489,60
18.	Ён томондаги шамоллатиш ва лифт восстаюшийси 240м гор. дан 300м гор. гача	1 562,40
19.	Камерали лаҳимлар ва шу кабилар -5%	8 022,93
20.	Лойиҳавий қувватга эришгандан кейин, жами:	150 409,62
Кон бўйича жами:		205 080,23

Иккинчи вариант учун ҳисоблаш кўрсаткичлари

№	Лаҳимларнинг номи	Объем. м ³
Лойиҳавий қувватга эришгунча		
1.	540 м горизонт	947,00
2.	530 м горизонт	6 382,00
3.	Асосий ва ёрдамчи стволлар	34 779,19
4.	480 м горизонт	33 540,61
5.	Лойиҳавий қувватга эришгунча, жами:	75 648,80
Лойиҳавий қувватга эришгандан кейин		
1.	420 м горизонт	36 324,73
2.	360 м горизонт	30 061,24
3.	300 м горизонт	21 261,89
4.	320 м горизонт №7 руда танаси	6 979,03
5.	240 м горизонт	24 237,03
6.	Лойиҳавий қувватга эришгандан кейин, жами:	118 863,912
Кон бўйича жами:		194 512,71

Қорақутан карьерининг контурорти заҳираларини ер ости усулида очишни
иқтисодий жиҳатдан баҳолаш

Номланиши	Ўлчов бирлиги	ҚТС	Тик ствол
Рудалар миқдори	минг. т	4 359,58	4 359,58
Таркиби	г/т	4,10	4,10
Металл	кг	20 311,69	20 311,69
Қазиб олиш муддати	йил	28,00	30,00
Сотиш нархи	долл./oz	1 500,00	1 500,00
Тушум	минг. долл	785 504,15	785 504,15
Капиталь харажатлар	минг. долл	46 063,10	54 202,10
Эксплуатацион харажатлар	минг. долл	471 212,45	456 484,64
Харажатларни қоплаш муддати	йил	4,74	8,96
IRR	%	37,31%	16,56%
Соф фойда	минг. долл	246 651,34	256 146,87
Дисконт коэффициенти	%	12,00%	12,00%
Соф дисконт фойда	минг. долл	51 778,38	20 242,04

Ўтказилган иқтисодий ҳисоблашлар натижасида аниқландики, қия транспорт съезди орқали очилганда капитал харажатлар 46 063,10 минг. долл. ни, вертикал стволлар билан очишда эса, 54 202,10 минг. долл. ни, эксплуатацион харажатлар бўйича эса, мос равишда 471 212,45 минг. долл. ва 456 484,64 минг. долл. ни, харажатларни қоплаш муддати 4,74 ва 8,96 йилни ташкил этади.

Шундай қилиб ушбу кон учун контурорти заҳираларини қия транспорт съезди билан очишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланди.

ХУЛОСА

«Тоғ ён бағридаги конларни очиқ-ер ости усулда қазиб олишда контурорти заҳираларини очиш тизимини асослаш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Жаҳон амалиётининг таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирги кунга қадар тоғ ён бағридаги конларни очиқ-ер ости усулида қазиб олиш соҳасидаги билимлар тўлиқ бўлмаган ва тизимлаштирилмаган илмий тадқиқотлар бўлиб қолмоқда ва тоғ ён бағридаги конларни очиш ва заҳираларни тайёрлашнинг ягона тизимларини яратиш учун янги илмий ёндашувларни талаб қилмоқда.

2. Илмий тадқиқот ишида очиқ-ер ости усулида қазиб олинган тоғ ён бағридаги конлар заҳиралари тизимлаштирилган бўлиб, у тоғ ён бағридаги конлардан ер қаъридан ноёб металлларни қўшимча равишда қазиб олиш имконини беради, бу эса маълум таснифлардан тубдан фарқ қилади.

3. Тоғ ён бағридаги конларни очиқ-ер ости усулида қазиб олишда, карьер элементларига нисбатан заҳираларнинг жойлашишига қараб, рудаларни узатиш учун карьер майдонидан фойдаланган ва фойдаланмаган ҳолда карьер контури чегарасидан ташқаридаги заҳираларни очиш тизими вариантлари ишлаб чиқилди.

4. Тоғ ён бағридаги конларнинг контурортидаги заҳираларини очиш тизимининг рационал вариантлари назарий жиҳатдан асосланди. Очишнинг

мақбул вариантини танлашда, мезон сифатида 1 тонна фойдали қазилмани қазиб олиш учун солиштирма харажатлар ва вариантларни техник-иқтисодий таққослашдан фойдаланилди.

5. Зиёвуддин руда майдонининг Қорақутан карьери чегарасида жойлашган 51, 51-1, 51-2, 7-сон руда танаси участкаларининг геологик тузилиш таҳлили ўтказилган. Ушбу кон майдони тоғ ён бағридаги кон турига мансуб бўлиб, заҳиралари бўйича очиқ-ер ости усулда қазиб олишни талаб этади.

6. Графоаналитик усул ва AutoCAD компьютер дастуридан фойдаланиб, куйидаги кўрсаткичларни: кон массаси ҳажми, карьер чегарасидаги қазиб олинган руда массаси ҳажми, карьер контуридаги эксплуатацион металллар, қопловчи тоғ жинси ҳажми, қопловчи тоғ жинси коэффициентини, карьернинг турли чуқурликларида кон массаси коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, тоғ ён бағридаги конларни ер ости усулида қазиб олишга ўтишда, карьернинг рационал чегараларини аниқлаш методикаси ва математик модели ишлаб чиқилди.

7. Ишлаб чиқилган методика илмий жиҳатдан асосланди ва тоғ ён бағри туридаги Қорақутан карьерининг олтин таркибли Зиёвуддин руда майдони (51 ва 7-сон руда танаси) заҳираларини очиқ усулда қазиб олишнинг оптимал чуқурлигини аниқлаш учун куйидаги: 50 м, 100 м, 150 м, 200 м ва 250 м чуқурликларда қазиб олишнинг бир нечта вариантлари бўйича синовдан ўтказилган. Очиқ усулдан ер ости усулига ўтиш чегараси техник-иқтисодий кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

8. Технологик, иқтисодий ва хом ашё стратегиясини ўз ичига олган, тоғ ён бағридаги Қорақутан конини қазиб олиш стратегиясини ишлаб чиқишнинг услубий асослари асослаб берилган. Ушбу стратегия коннинг хом-ашё потенциалидан максимал фойда олиш ва максимал даражада фойдаланиш схемаси бўйича карьерни қазиб олишга ўтказиш шароитларини аниқлайди. Бундай мослашиш имконияти ҳозирги вақтда қазиб олишга жалб этилмаган олтин таркибли рудаларнинг катта заҳиралари мавжудлигига асосланади.

9. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида, Қорақутан карьери кон комплексини ривожлантириш учун технологик, техник, иқтисодий ва ресурс тежовчи ўзгаришларни ўзида мужассам этган иккита очиш схемаси таклиф этилди.

10. Тоғ ён бағри туридаги Қорақутан конининг контурорти заҳираларини комбинациялашган очиш тизимини, яъни, борторти заҳираларни очиш карьер майдонида ўтилган штольнялар ёрдамида, борторти заҳираларнинг бир қисми ва карьер ости заҳираларни қия транспорт съездлари ва карьер чегарасидан ташқарида ўтилган вертикал стволлар ёрдамида очишни қўллаган ҳолда очишнинг вариантларини таққослаш амалга оширилди.

11. Ўтказилган иқтисодий ҳисоблашлар натижасида ушбу кон учун контурорти заҳираларини ҚТС ёрдамида очишнинг мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.17/04.06.2021.Т.06.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАВОИЙСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ГОРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ**

ТАДЖИЕВ ШУХРАТ ТУЛКИНОВИЧ

**ОБОСНОВАНИЕ СИСТЕМЫ ВСКРЫТИЯ ЗАКОНТУРНЫХ
ЗАПАСОВ НАГОРНЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ ПРИ
ОТКРЫТО-ПОДЗЕМНОМ СПОСОБЕ РАЗРАБОТКИ**

04.00.10 – Геотехнология (открытая, подземная и строительная)

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Навои – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2022.3.PhD/Т3065.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горно-технологическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен в веб-странице Научного совета (www.ndki.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Назаров Заир Содикович кандидат технических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Аликулов Шухрат Шарофович доктор технических наук, доцент Хасанов Обид Абдуллаевич доктор философии (PhD) по техническим наукам
Ведущая организация:	филиал Национального исследовательского технологического университета «МИСиС» в г. Алмалык

Защита диссертации состоится 23 декабря 2022 г. в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.17/04.06.2021.T.06.02. (Адрес: 210100, г. Навои, ул. Махмуда Таробий, 72. Зал заседаний Навоийского государственного горно-технологического университета. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Навоийского государственного горно-технологического университета (зарегистрирован за №105). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Махмуда Таробий, 72. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66.

Автореферат диссертации разослан 7 декабря 2022 г.

(реестр протокола рассылки №54 от 7 декабря 2022 г.).



И.Т. Мислибаев
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Ш.Ш. Заïров
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Н.А. Абдуазизов
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире при разработке нагорных месторождений полезных ископаемых открытым способом остаются запасы, расположенные за предельными контурами карьеров, доработка которых более экономична подземным способом. Анализ практики показывает, что наибольшее число нагорных рудников, осуществляющих разработки месторождений открыто-подземным способом, приходится на предприятия по разработке руд цветных металлов (более 60 %). В связи с этим необходимо уделять особое внимание решению вопросов рациональной разработки месторождений, правильному выбору способа и схем вскрытия законтурных запасов.

На сегодняшний день в мире ведутся научные исследования по разработке месторождений нагорного типа открыто-подземным способом, вскрытию законтурных запасов, созданию единой системы вскрытия и подготовки запасов нагорных месторождений на различных этапах развития открытых и подземных работ, увязанных во времени и в пространстве, разработке технологии подземной разработки забортных запасов глубоких карьеров золоторудных месторождений и выбору рационального варианта вскрытия законтурных запасов нагорных месторождений открыто-подземным способом. В связи с этим уделяется особое внимание повышению эффективности отработки запасов путем разработки оптимальных систем вскрытия законтурных запасов нагорных месторождений.

В Республике выполняется ряд научно-практических работ по полному и эффективному извлечению законтурных запасов при отработке нагорных месторождений, использованию карьерного пространства для вскрытия законтурных запасов, систематизации запасов нагорных месторождений, разрабатываемых открыто-подземным способом, выбору рационального варианта вскрытия законтурных запасов нагорных месторождений открыто-подземным способом. В Постановлении Президента Республики Узбекистан¹ определены важные задачи по «повышению эффективности использования и воспроизводству минерально-сырьевой базы, активному привлечению инвестиций с целью наращивания мощностей горнодобывающих и перерабатывающих предприятий». Исходя из этих задач, исследование и разработка системы вскрытия законтурных запасов нагорных месторождений при открыто-подземном способе отработки имеет большое научное и практическое значение.

